

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факултети
5140900-Касб таълими (зоотехния) йўналиши

ЧАЛАБАЕВА ШАХНОЗА АБДУСАМАТОВНА

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**«Озиқалар тўйимлилигини озуқалар ўсиш фазасига ва
турига боғлиқлигини ўрганиш ва уни ўқитиш услуги»**

Илмий раҳбар, доцент

Нахалбоев А.

**Ветеринария, зоотехния ва
қоракўлчилик факултети
декани, доцент _____
Н.О.Фарманов
«_____» _____ 2011 йил**

**“Яйлов чорвачилиги ва ҳайвонларни
озиклантириш технологияси” кафедраси
муздир, доцент _____ Қ.Ҳайдаров
« _____ » _____ 2011 йил
№ _____ - сонли йиғилиш баёни**

М У Н Д А Р И Ж А

	бет
Кириш _____	3
1.1. Мавзунинг халқ хўжалигидаги долзарблиги _____	3
1.2. Мавзунинг илмий – амалий аҳамияти _____	5
II. Илмий адабиётлар таҳлили _____	6
III. Хўжалик фаолиятининг таҳлили _____	13
IV. Муаммоларнинг қуйилиши, қўлланилган услубиятлар _____	17
V. Мавзунинг ечими ва матнда ёритилиши _____	19
5.1. Озуқалар туйимлилигини кимёвий таркибига қараб баҳолаш _____	25
5.2. Соғин сигирларни озиқлантириш _____	32
5.3. Тажрибадаги сигирларнинг маҳсулдорлиги _____	33
5.4. Озуқаларнинг кимёвий таркиби ва туйимлилиги _____	34
VI. Мавзуни ўқитиш услуби _____	37
VII. Қўйилган муаммоларни ечишдан кутилаётган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш, аниқлаш ва асослаш _____	44
VIII. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экологик муаммолар _____	45
XI. Хулосалар _____	48
X. Ишлаб чиқаришга тавсиялар ва таклифлар _____	50
XI. Фойдаланилган адабиётлар руйхати _____	51
Интернет маълумотлари	

КИРИШ

Республика Президенти И.А. Каримов томонидан «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 23 мартда қабул қилинган 308-сонли ҳамда «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачили маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган 842-сонли қарорлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009-2011 йилларда Чорвачиликни ривожлантириш, қорамоллар бош сонини ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан Республика дастури ишлаб чиқилди.

Чорвачиликнинг ривожланиши наслчилик ишларини яхши йўлга қўйиш ва мустаҳкам озуқа базасини яратишга боғлиқ. Ҳайвонлардаги мавжуд генетик имкониятни тулиғича ишга солишнинг асосий омили тўғри ва тўлиққийматли озиклантиришдир. Аммо бугунги кунда чорвачилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларида, шахсий ёрдамчи хўжаликларда ҳам озуқа базасини яратишга, сифатини яхшилашга эътибор етарлик даражада эмас. Натижада маҳсулдорлик ҳайвоннинг генетик имкониятига мос келмайди. Маҳсулот етиштиришда ва унинг сифатини яхшилашда рационга киритиладиган озуқанинг таркиби яъни унинг тўйимлилиқ даражаси муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг келажаги буюк давлат бўлишида халқ-хўжалигининг барча тармоқлари қатори чорвачилик тараққиёт ривожининг ҳам тараққиёт этган андозаларига тўла тўқис жавоб бериши муҳим, қолаверса, керак бўлса етакчи аҳамиятга эга.

1.1. Мавзунинг халқ хўжалигидаги долзарблиги

Барчамизга аёнки чорвачиликнинг самарадорлиги қўйидаги омилларга боғлиқдир. Ҳайвонларнинг зотини яхшилаш, яъни яшаш чидамлилиги

юқори, маҳсулдорлиги кўп, серпушт, тез етилувчан зотли молларни яратиш муаммоси.

Ушбу ишлар самараси ўлароқ, биринчидан – республикада қорамоллар сони 8,5 млн. бош бўлиб, охирги 5 йилда 2,6 млн. ёки 45 % га кўпайди, қўй ва эчилар сони 14,4 млн. бош бўлиб, шу йиллар давомида 4,5 млн. бошга ёки 45 % га, паррандалар бош сони 33 млн. бошни ташкил этиб, 14,2 млн. бошга ёки 1,7 марта кўпайди. Бундан ташқари зооветеринария сервис хизматларини кенгайтириш мақсадида 791 та пункт ташкил этилиб, уларнинг сони 2443 тага етказилди. Шу йиллар давомида пуллик хизмат кўрсатиш даражаси 6 баробарга ошди. Сигир ва таналарни сунъий уруғлантириш эса 10 баробарга кўпайди.

Давлатимиз томонидан чиқарилган барча қарор ва қонунларни ўз вақтида тўла – текис ва мукамал бажариш биз ветеринарлардан талаб қилинадиган вазифадир. Бу вазифани аъло даражада бажариш эса бурчимиз.

Чорвачиликда омухта ем ишлаб чиқаришни сезиларли даражада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадга мувофиқдир. Ўздонмахсулот корпорациясининг омухта ем тайёрлаш заводлари ва цехлари негизида 1998 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш ҳажми 2-2,5 млн тоннага етказилиб унинг таркибида кўп компонентли юқори сифатли омухта ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жойларда қўшимча аудиторлик, юридик ва консалтинг, ахборот хизматлари ва экспортни ривожлантириш марказлари ташкил этилмоқда. Бозор шароитида ишлайдиган қишлоқ тадбикорларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, бизнес мактаблари, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш умумдавлат дастурлари асосида давлат грантлари, корхоналари, фирмалар миллий дастурлари тузилиб малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда.

Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилиб борилаётгани, аҳолига қўшимча ер майдонлари берилмаётгани, шунингдек уларга давлат томонидан тизимли

ёрдам кўрсатиб келинаётгани, шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида моллар кўпайишига ички истемол бозорини чорвачилик махсулотлари билан тўлдиришга имконият яратди.

Айни пайтда шахсий ёрдамчи дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, биринчи навбатда қорамол боқиш ва етиштириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш ва оилалар даромадини оширишнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мумкин.

Чорва мол боқаётган шахсларни иш билан банд аҳоли тоифасига киритиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳал этилмаган. Хўжаликларни зотдор, сермахсул чорва, мол, омукта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш борасидаги ишлар қоникарсиз аҳволда. Зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича инфратузилма тармоғи, шунингдек шахсий ёрдамчи ва дехқон микрокредитлаш тизими яхши йўлга қўйилмаган.

Аҳолини айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муҳим омиллари сифатида чорва моллари, энг аввало қорамол боқаётган дехқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш лозим.

1.2. Мавзунинг илмий – амалий аҳамияти

Чорвачиликни ривожлантириш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш зарур. Озуқаларнинг тўйимлилиги бир қанча омилларга боғлиқ, озуқанинг турига, иқлимига, ўсиш шароитига, агротехникасига, ўғитлашга асосан ўсиш фазасига боғлиқ бўлади.

Озуқа таркибида тўйимлик моддалар қанчалик кўп бўлса, тўйимлилиги юқори бўлади. Шунга асосан Самарқанд тумани шароитида яйловларда ўсаётган ўсимликларни кимёвий таркибини ўрганиб тўйимлилиги аниқланди. Бундан ташқари хўжаликда етиштириладиган беда ўтидан - гуллашдан олдин, гуллаш даврида, янги ўсганда, донлаганда, маккажухоридан эса

гуллаганда, сут даврида, сут мум даврида, мум даврида ўртача намуна олиб туйимлилиги аниқлаш мавзунинг амалий аҳамиятини белгилайди.

2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” деб аталаши Юртбошимиз томонидан соҳага кўрсатилган улкан ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир. Йилимизнинг ушбу соҳага хизмат қилиши нафақат тадбиркорларга анъанавий равишда кўрсатиб келинаётган ғамхўрликлар, берилаётган имтиёзлар ва имкониятлар доирасини янада кенгайтиради, балки яна янгидан-янги молиявий хизмат турларини таклиф этади, тадбиркорлар ҳақ-қуқукларининг муҳофаза қатламини мустаҳкамлайди, улар сафининг кенгайишига. Хусусий ишлаб чиқаришнинг илғор техника ва технология билан қуролланишига қўшимча имкониятлар яратиди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш эвазига иқтисодий баркамолликка эришиш мақсадида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ўз самарасини бера бошлайди, албатта. Ўз навбатида, тадбиркорларимиз ҳам кўрсатилаётган ғамхўрликлар, яратиб берилаётган имкониятларнинг қадрига етишшлари, улардан иложи бориचा тўғри ва кенг фойдалана олишлари лозим.

II. ИМИЙ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Сутчилик қорамолчилиги республикамызда чорвачиликнинг асосий соҳаси ҳисобланади. Сутчилик қорамолчилиги суғориладиган деҳқончилик билан мос бўлиб, у етарли миқдорда ҳажмли озиқалар билан таъминланади. Сигирлар сут маҳсулдорлигини кўпайтириш мамлакатимызда асосий муаммо бўлиб келмоқда, чунки 1500 кг сут соғиб олиш билан иқтисодий самарадорликка эришиб бўлмайди. Бизнинг ўароитимызда сигирлардан энг камида 3000 кг сут соғиб олганда иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлигига қатор омиллар: зот, зотдорлик, индивидуал хусусиятлар, ёши, озиқлантириш ва сақлаш шароитлари, сақлаш

ва хакозалар киради. Улар ичида озиқлантириш бош мезон бўлиб сигирлар ирсий имкониятларини руёбга чиқаришнинг бош омили ҳисобланади.

Соронкин В.Г., Ю.А.Светова С.Н.Иванов (2004) ёзишларича турли қора-ола зот типларининг Голштин зоти билан чатиштирилганда. Буқаларни хусусиятлари уларнинг қизларининг технологик хусусиятларига яъни елдинини косасимон шаклида бўлиши 8-45% кўпайиб, сут бериш тезлиги 0,08-0,55 кг/мин ошган. Умуман олганда дурагай сигирлар елинининг узунлиги, эни ва чуқурлиги ортиб, елин сургичларини бироз қисқарилишини кузатганлар.

Мухаммадалиев Н.Н., Г.А.Хайритдинов (2004) маълумотларига кўра қиш даврида, нисбатан баҳор ойларида умумий оксил сут таркибид камайиб кетган. Казеин миқдори эса куз ойларида нисбатан, қиш ойларида камайишига гувоҳ бўлишган. Артюк В.М., А.М. Гошаев, М.В.Вареников, В.А.Анзаров (2004) ёзишларича сигирлар туққанидан кейин биринчи марта 3 кунгача қочирилгандан кейин биринчи марта 30 кунгача қочирилганда 19,77 оталанган, 31-60 кунда 43%, 61-90 кунда 34,9%, 90 кундан кейин фақат 35,8% оталанган.

Иванов Н.И., В.М.Пурацкий (2004) аниқлашича янги туққан сигирларни 4-6 ойлигида озиқа моддалар камчилигини тўлдириш фақат 42,5% ташкил этган, бу иш ем ва лалаги ҳисобига амалга оширилган. Сигирлар жадал сут берган пайтда сут учун етишмаган энергияни ўз танасидан туйимли моддалар эвазига амалга оширади. Шу боисдан тажриба даврида сигирлар вазни орта борган, лекин асл холига қайтмаган.

Котмонов П.С., В.П.Гавриленко, Н.П.Котманова (2004) ёзишларича сигирлар туққандан кейин сут камайиб, 2-3 ойлигида юқори нуктасига етиб, кейин пасаяди. Бестужев дурагайлари, Бестушев ва Голштин х қора ола сигирларида энг юқри махсулдорлиги 2 ойда кузатилган. Буларнинг ичида энг текис лактация эгри чизиғи қора ола Х Голштин дурагай сигирларида кузатилган.

Сулима Н.Н., Н.В.Молчанова, Р.С.Девятиха (2004) маълумотларига қараганда сермахсул подалар яратишда биринчи туғим сигирларни баҳолаш, уларни экстерьерини баҳолаш алоҳида ўрин тутадую 10 йилда сигирлар қонида голштин 90% етган. Шундай 1 туғим сигирлар экстерьер баҳоси 79,3 балл жаҳон стандартлари бўйича яхши баҳосини олиб, сут белгилари бўйича 83,9 балл олган. 7000 кг дан кўп сут берган. Сигирлар экстерьер қолган сигирларга нисбатан яхшироқ бўлган. Попада олиб борган кескин ишлар 1 туғим туққан сигирларни конституциясининг мустаҳкамлилиги, экстерьерининг ривожланиши, оёқлари ва елинига қараб пучак таъсир этган. 18 ойлигида танал вазни 1999 йилда 367 кг бўлган бўлса, 2002 йилда 418 кг бўлиши таъминланган. Натижада улар 16-19 ойлигида қочирилган.

Кучиев О. (2006) маълумот бериши бўйича 15 бошдан 3 гуруҳ тузилиб сигирлар махсулдорлиги ва тирик вазнини ҳисобга олган ҳолда озиқлантирилган ва бир хил шароитда асралган, тадқиқот натижаларида сигирларни сут махсулдорлигини сут билан қоплаш хусусиятлари уларнинг махсулдорлик даражаси билан узвий боғлиқлиги аниқланган ва махсулдор сигирлардан фойдаланишнинг самарадорлиги юқори бўлиши курсатиб утилган.

Насимов Э., А.Нахалбаев (2005) маълумотида кўра соғин сигирларнинг сут махсулдорлиги ва бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига рацион таркибидлаги оқсил моддасига боғлиқ, рационда хазмланувчи протеин меъёр даражасида бўлганда кам бўлганда нисбатан 3 кунлик сут бериши 18% га ортади. Қузиёв И., А.Нахалбаев (2005) шуни таъкидлайди соғин сигирларнинг сут махсулдорлиги озиқлантириш даражаси билан бир қаторда наслини билдирувчи қон таркибидаги оқсил типларига ҳам боғлиқ. Қон таркибида АА оқсил типи бўлса ВВ ва АВ оқсил типига қараганда махсулдорлиги 20-25% га юқори бўлишлигини кўрсатган.

Мақсудов И. ва бошқаларнинг (1999) ёзишларича сигирларнинг сут махсулдорлиги уларнинг кўп жиҳатдан келиб чиқишига боғлиқ. Подаларда

сигирларни маҳсулдорлигини ўрганиш, сермахсул сигирларни ажратиш ва улар билан ишлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Хафизов И. (2006) таъкидлашча селекция эвазига эришилган молларнинг қимматли генетик имкониятларини тўйимли озиқлантириш эвазига сақлаб қолиш мумкин. Ўтказилган тадқиқот натижаларида англери зотли буқалардан олинган сигирлар нафакат юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлиб қолмасдан балки улар соф қизил чўл зотли тенгқурларига нисбатан озуқани маҳсулот билан қоплаш хусусиятларининг ҳам юқори эканлиги кўрсатилган. Бундай сигирлардан сут ишлаб чиқаришда фойдаланиш иқтисодий жиҳатидан самарали эканлигидан далолат беради.

Бондарев В.А. (1976) озуқаларнинг сифати яъни унинг тўйимлилиги ҳайвоннинг маҳсулдорлигига таъсир этувчи асосий омил, шунинг учун озуқаларни тайёрлаш технологиясига эътиборни кучайтириш зарур дейди. Бугаков В.И. ва А.И.Девяткин (1979) маълумотларига кўра ҳар хил озуқаларнинг тўйимлилигини турлича бўлиши айниқса ўсимликлар дунёсидан келиб чиққан озуқаларда намоён бўлар экан.

Тищенко А.В. ва бошқалар (1973) сигирларни озиқлантиришда уларнинг маҳсулдорлигига таъсир этувчи омилларидан бири қантнинг – протеинга бўлган нисбати деган хулосага келади ва рацион тузишда бу кўрсаткичга эътибор бериш зарур деб билади. Фесюн Г.И. (1992) озуқаларни тўйимлилигини лаборатория шароитида анализ қилиш озуқа базасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга деб таъкидлайди. Хафизов И. (2006) сут миқдорини озуқа белгилайди деб қайд этади. Горелик О. (2002) сигирларнинг сут маҳсулдорлиги тўлиққийматли озиқлантиришга боғлиқлигини тажрибаларда исботланганлигини айтади. Лящук Р. ва бошқалар (2005) қора-ола зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги тўғрисида фикр билдириб соғиб олинадиган сут миқдори ва унинг ёғлилик даражаси озиқлантиришнинг тўлиққийматлилигига боғлиқ дейди.

Баканов В.Н., Б.Р.Овсищев (1982) сигирларни ёз даврида озиқлантиришда сут маҳсулдорлигининг миқдorigа озуқа турининг роли

борлигини ва рацион таркибини таҳлил қилиш кераклигини айтади. Петухова Е.А. ва бошқалар (1986) ҳайвонларни озиқлантиришда озуқанинг умумий тўйимлилигини аниқлаш зарурлигини ва уни аниқлаш усуллари кўрсатади. Рузиев Ш. (2008) ҳайвонларни озиқлантиришда беданинг роли ниҳоятда муҳим эканлигини унинг рационни протеин билан бойитишдаги ўрни ҳақида ёзиб беда экишга эътибор беришни талаб қилади.

Далакьян В., Ш.Рахмонова (1989) ҳайвонларга рацион тузишда озуқанинг кимевий таркибини ва умумий тўйимлилигини аниқлаш зарурий кўрсаткич эканлигини қайд этади. Чемодуров А.А. ва бошқалар (1977) ҳайвонларни озиқлантиришда фойдаланаладиган омехта ерни оксилли, витаминли, қўшимчалар билан бойитиш муҳимлигини ва маҳсулдорлигини оширишга ёрдам беришини айтади. Визнер Э. (1976) ҳайвонларни озиқлантиришда озуқа таркибидаги минерал моддаларнинг зарурияти ҳақида фикр билдириб, озуқа таркибидаги минерал моддаларни аниқлаш кераклигини зарурият деб билади Зафрен. С.Я. (1977), Г.М. Кукта (1978) озуқаларнинг таркибидаги тўйимлик моддаларнинг йўқотилишни олдини олиш учун тайёрлаш ва сақлаш технологиясига эътибор бериш зарурлигини айтади. Озуқалар таркибида сақланадиган моддалар ҳайвон организмда кечадиган физиологик жараёнлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарурлигини инобатга олиб биринчи марта озуқаларнинг кимевий таркиби схемасини ишлаб чиқади.

Дмитриченко А.П. (1975) озуқалар таркибидаги оксил, ёғ ва углеводлар организмда бажарадиган асосий функциялари ва уларнинг мода алмашинув тўғрисида тажрибалар ўтказади. Зубрилин А.С. озуқаларни консервировка қилишда углеводларнинг роли ҳақида, сислослаш жараёнида озуқаларнинг таркибини ўрганиб ундаги углеводлар миқдорига қараб усимликларни енгил силосланувчи, қийин силосланувчи ва силосланмайдиган озуқалар гуруҳларига бўлади. Калашников А.С. ва бошқалар (1985) ҳайвонларга рацион тузишда унинг талабини эътиборга олиш зарурлиги ва турли хилдаги озуқалар таркибида сақланадиган органик моддаларнинг макро-микро

элементлар ва витаминларнинг миқдорини аниқлайди ушбу маълумотлар жамланган махсус справочник чоп этади. Ҳайвонларни озиклантиришда озуқанинг таркибидаги протеин, ёғ ва углеводлардан ҳосил бўладиган ёғ миқдорини аниқлаш ва шу асосда баҳолаш таклифини немис олими О.Кельнер таклиф этади. Озуқа таркибидаги ҳар бир грамм ёғ, оксил ва углеводларнинг энергия бериш қобилиятига қараб озуқанинг энергетик тўйимлилигини баҳолаш тўғрисида Г.Армсби кўплаб иш қилганлар.

Каинов А. (www.biotroph.ru) таъкидлашича, сут йўналишдаги корамолчиликда ҳайвонлар учун тўлиқ қийматли озуқа рационини тузуш учун, озуқалар таркибидаги тўйимли моддаларнинг структураси ва уларнинг организм учун бўлган аҳамиятини билиш зарурди. Ушбу моддалардан бири озуқаларнинг биокиёвий тузулмасида иширок этувчи углеводлар гуруҳидир. Рационлар таркибидаги углеводларнинг аҳамияти сигирларнинг модда алмашинуви ва маҳсулдорлигига кўрсатадиган таъсири каттадир. Ҳозирги вақтгача озуқалар таркибидаги структурали углеводларга баҳо беришда “хом” клетчакани ҳисобга олишга керак бўлган. “Хом” клетчака деганда ўсимлик ҳўжайрасини ташкил этишда умлаштирувчи компонент сифатида назарда тутилади. Шунини таъкидлаш жоизки, клетчатканинг ошқозон ичак йўлларида ҳазм қилиш жараёнида ўзига хос хусусияти мавжуд, лекин структурали углеводларнинг (клетчаткани ташкил этадиган) таркибида физик, химик ва биологик хусусиятлари билан кескин ажралиб туради. Шунинг учун, озуқа тўйимлигига баҳо беришда хом клетчаткадан ташқари унинг таркибини ҳам билиш зарурдир (www.simbioz_ltd.ru).

Клетчатка хусусияти тўғрисида айтадиган бўлсак, хом клетчатка органик моддаларнинг углеводлар гуруҳига кириб, унинг асосий қисмини целюллоза, лигнин, пентоза, гексозан, кутин, суберин ва бошқа моддалар ташкил этади. Клетчатка фақат ўсимлик таркибида учрайди ва ҳўжайрани ташқи муҳитдан ҳимоя қилувчи вазифасини бажарувчи бўлганлиги учун, бошқа тўйимли моддаларга нисбатан қийин ҳазмланади. Шунинг учун озуқа

таркибидаги хом клетчатка миқдори унинг энергетик тўйимлилигини белгилайди (www.viktori.ru)

Хом клетчаткани аниқлаш усули озука намунасига кучли сульфат кислотаси, ўювчи ишқор, спирт ва эфир билан таъсир етиш усулига асосланган. Озука намунасини сульфат кислотаси иштирокида қайнатиш унинг таркибидаги эримайдиган углеводлар (крахмал ва гемиселлюлоза) гидролиз натижасида ериб суюқлашади ва еритма таркибига амид ва амин бирикмалари, қисман алколоид, ҳамда айрим минерал моддалар ўтади. Ишқорнинг таъсири натижасида оксил ва ёғсимон моддалар еритма ҳолатига ўтади. Бундан ташқари гемицеллюлоза ва лигниннинг асосий қисми эрийди. Спирт ва эфир таъсири ёрдамида озуқадаги эрийдиган қолдиқлар - ёғ, мум, рангловчи ва бошқа моддаларни ажратиб олади. Юқорида кўрсатилган реактивлар таъсири натижасида олинган эритмалар филтрланади ва қолган қолдиқ хом клетчатка ҳисобланади. (www.cornel.edu).

Ҳайвонларни озиқлантиришда азотсиз экстрактив моддаларни ҳам ҳисобган олиш муҳимдир, ушбу гуруҳга хом ёғ ва хом клетчаткадан ташқари барча азот сақламайдиган моддалар киради. Бу тўйимли моддалар углевод вакиллари бўлиб, уларнинг асосий қисмларини крахмал, қанд, пентоза ва бошқа моддалар ташкил этади. Маълумки ўсимлик организмнинг асосий қисмини углеводлар ташкил этади (ўртача 75 % ва ундан кўп), шунинг учун улар асосий энергия манбаи ҳисобланади. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалик ҳайвонларини меъёр асосида озиқлантиришни ташкил етишда рационнинг умумлаштирилган азотсиз экстрактив моддалар билан таъминланганлиги алоҳида ҳисобга олинади. www.zookorm.ru).

Юқорида қайд этилган олимлар ҳайвонларни тўлиққийматли озиқлантириш учун озуқаларнинг тўйимлилигини билиш зарурлигини бунинг учун эса озуқанинг таркибини аниқлаш зарурлиги тўғрисида юзлаб илмий изланишлар олиб борилган ва уларнинг натижалари эълон қилинган.

III. ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Самарқанд вилояти, Самарқанд туманига қарашли “Фотима Қосимова” ширкат хўжалиги 1929 йилда ташкил қилган бўлиб, 1983 йилга қадар “Энгельс” номи билан юритилган. Ширкат хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш йўналиши мева-сабзавотчилик бўлиб, Самарқанд шаҳар аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланшга маҳсулотлари билан таъминлашга ихтисослаштирилган. Ширкат хўжалиги Самарқанд шаҳрини шимолида 3 км масофада жойлашиб, унинг асосий экин майдони Оқдарё туманининг собиқ Даҳбед, ғарбдан Пастдарғом тумани, жанубдан Самарқанд туманининг “Дустлик” ширкат хўжалигининг майдонлари, шарқ томонидан Самарқанд шаҳри билан чегарадир.

Ширкат хўжалигини табиий иқлим шароити кескин ўзгарувчан бўлиб, йилнинг июн ва июл ойларида ҳавонинг ўртача ҳарорати $+39^{\circ} - 43^{\circ}$ гача ошса, қиш ойларида $-12^{\circ} - 15^{\circ}$ гача пасаяди. Хўжаликнинг ерларидаги ёғингарчилик миқдори 500-550 мм гача етмади. Ширкат хўжалигида ҳам иқтисодий ислохатлар туфайли ўзига хос ташкилий тадбирлар тузилиб, оилавий хусусий пудратда ишлайдиган кичик звенолар, бригадалар ташкил қилинмоқда.

Бу звено ва бригадалар ширкат бошқарувчи билан йилнинг бошида шартнома тузиб, уни тасдиқлатиб, ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади. Хўжаликнинг асосий ер майдонларининг 1520 га қишлоқ хўжалигига яроқли бўлиб улар асосан Дарғом канали ва Зарафшон дарёси суви билан таъминланади.

1-жадвал

Ф.Қосимова ширкат хўжалигида 2009-2010 йилларда
ердан фойдаланиш, га

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил
Умумий ер майдони	1520	1520
Жами: қ.х. яроқли ерлар	834	828
Шундан: суғориладиган ерлар	630	630
яйловлар	47	47
Кўп йиллик дарахтзорлар	476	480
Шахсий хўжалик ерлари	226	290

Жадвал маълумотларидан маълум бўлдики ширкат хужалигида 1520 ер майдонининг 50,5 % зиёди суғориладиган ерлар бўлиб, 47 га яйловлардир. Хужаликда 476 га дарахт, боғлар мавжуд бўлиб, уларда узум, олма ва бошқа мевалар етиштирилади. 2009 йилга нисбатан 2010 йилда 4 га кўпайган. Хўжаликда 2009-2010 йилларда 630 га ер майдонинг бир қисмини тақсимлаб берганлигига, бир қисмини аукцион орқали сотилиши натижасида шахсий хўжаликларга қарашли ер майдонлари 290 га етган.

Хўжаликда чорва моллари учун ем-хашак етиштириш учун ажратилган ер майдонлари ва уларнинг ҳосилдорлиги куйидаги жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Хўжаликдаги асосий экин майдонлари ва уларни ҳосилдорлиги

Экинлар	2009 йил		2010 йил	
	майдони га	ҳосилдорлиги ц	майдони га	ҳосилдорлиги ц
Донли экинлар	170	44	190	46
Беда: кўк озук учун	50	360	50	380
Пичан учун	10	120	10	130
Сабзавот	44	328	41	383
Маккажўхори силос учун	28	310	7	280
Макажўхори дон учун	60	150	60	130

Хўжаликда донли экинлар 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 20 га ошиши билан бирга уларнинг ҳосилдорлигида ҳам ўзгариш бўлиб, 2 ц га ошган бўлса, 50 га ердаги беда майдолнининг ҳосилдорлигига эса 20 ц га, пичанники 10 ц га кўпайган. Шунини таъкидлаш керакки ширкат хўжалигида экилаётган беда майдонлари камайган бўлса ҳам пичан етиштириш режага нисбатан ошган. Хўжаликда чорва молларининг бош сонини узгаришини куйидаги жадвалдан куришимиз мумкин.

3-жадвал

Хўжаликда чорва молларини сонининг узгариши, бош

Молларнинг тури	2009 йил	2010 йил
Жами қорамоллар	220	200
Шундан: сигирлар	100	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ширкат хўжалигида 2010 йилда 2009 йилга қараганда қорамолларни бош сони ўзгариш яхши натижаларни кўрсатмаган. Ўтган йилга нисбатан қорамоллар 20 бошга камайган. Хўжаликда ҳозирги кунда 100 бош сигир бўлиб, қолган 100 бошини 2 ёшли таналар ва 1 ёшгача бўлган бузоқлар ташкил этади.

Хўжаликда ялпи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишнинг ахволи куйидаги жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Ф. Қосимова номли ширкат хўжалигида ялпи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш

Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил	
	режа	ҳақиқатда	режа	ҳақиқатда
Сут ишлаб чиқариш, ц	9100	7100	7110	6790
Сутни сотиш, ц	5000	4100	400	350
Жами семириш, кг	5000	4321	2000	1800

Жадвал маълумотларини таҳлил қилсак 2010 йилда сут ишлаб чиқариш режага нисбатан 320 ц кам бўлиб, сут ва гўшт ишлаб чиқиш режаси ҳам бажарилмаган. Хўжаликда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уни давлатга сотиш режаларининг бажарилмаганлиги ҳар 100 бош сигир ва ғуножиндан бузоқ олиш режасини бажарилмаганлиги, бир бош сигирдан олинган режага нисбатан сут соғиб олишнинг камайиб кетганлигидир. Хўжаликда чорва молларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари куйидаги жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Хўжаликдаги чорва молларининг маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил	
	режа	ҳақиқатда	режа	ҳақиқатда
Бир бош сигирдан олинган сут, кг	1280	1150	1300	1200
Ҳар 100 бош сигир ва ғуножиндан бузоқ олиш	71	60	51	42
Кунлик семириш, г	329	306	322	310

Жадвал маълумотларининг таҳлилини қилсак, хўжаликда бир бош сигирдан сут соғиб олиш режаси 2009 йилда 130 кг га, 2010 йилда эса 100 кг га бажарилмаган. Худди шундай ҳолат ҳар 100 бош сигир ва ғуножин

ҳисобига бузоқ олишда ҳам кузатилган. 2009 йилда хўжалик ҳар 100 бош сигир ва ғуножиндан 60 та бузоқ олган бўлса, 2010 йилда эса 42 та бузоқ олинган. Кунлик семириш натижалари бўйича ҳам режа бажарилмаган.

Ширкат хўжалигида техниканинг эскирганлиги, ёқилги харажатларини етишмаслиги аввало чорва моллари учун етиштириладиган озуқаларнинг таннархини ошиб кетишига олиб келади. Бу курсаткичлар куйидаги жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Ширкат хўжалигида етиштирилган озиқаларнинг таннархи, ц/сум

Экинлар	2009 йил		2010 йил	
	режа	ҳақиқатда	режа	ҳақиқатда
Донли	1570	1796	2150	2750
Беда пичани	803,3	760,4	850,0	990,0
Маккажухори силоси	276,0	388,6	465,7	768,8
Кўк озуқа	267,8	273,9	320,7	384,8

Жадвал маълумотларига кўра хўжаликда ҳар икки йилда ҳам барча турдаги озуқаларга режалаштирилган харажатлар кузда тутилганидан қимматга тушган ва 2009 йилга нисбатан 2010 йилда сезиларли даражада кўп харажат талаб қилган. Агарда 2009 йилда 1 ц етиштирилган донли экинларга харажат 1570,0 сум режалаштирилиб ҳақиқатда 1796,0 сумга тушган бўлса, бу курсаткичлар 2010 йилда мутаносиб равишда 2150,0 сум 2750,0 сумни ташкил қилган ёки ишлаб чиқариш учун қилинган ҳақиқий харажат икки йил ичида қарийиб 1 барабарга ошган. 2009 йилга нисбатан 2010 йилда ҳақиқий харажатлар 1 ц беда пичани учун 990 сумга, маккажухори силосига 768,8 сумга ошган. Хўжаликда чорва молларининг маҳсулдорлиги пасайганлиги етиштирилган чорвачилик маҳсулотлар ҳисобига озуқа сарфини ошганлигини куйидаги жадвалда куришимиз мумкин.

7-жадвал

Хўжаликда чорва маҳсулотлари етиштиришга озиқалар сарфи (ц/озиқа бирлиги)

Маҳсулотлар номи	2009 йил		2010 йил	
	режа	ҳақиқатда	режа	ҳақиқатда
1 ц сут учун	1,61	2,32	1,69	2,16
Қорамолчиликда қўшимча вазн учун	13,7	25,7	14,1	34,9

Ф.Қосимова номли ширкат хўжалигида маҳсулот бирлигига режадагидан гарчи кўп озиқалар сарфланган бўлса ҳам 2009 йилга нисбатан 2010 йилда озиқа куп сарфланган ёки 2010 йилда 1 ц сутга 0,47 озиқа бирлиги кўп, 1 ц қўшимча вазн учун 9,2 озиқа бирлиги кўп сарфланган. Бу кўрсаткичлар зоотехния меъёрига нисбатан 2-3 баробар зиёд бўлган. Озуқаларни кўп сарфланганлиги эса уз навбатида хужалик бошқарувида сут ва қорамол гуштининг таннархини юқори бўлишига олиб келган.

8-жадвал

Хўжаликда ишлаб чиқарилган сут ва гўштнинг таннархи, (ц/сум)

Маҳсулотлар номи	2009 йил		2010 йил	
	режа	ҳақиқатда	режа	ҳақиқатда
1 ц сут учун	500	550	500	560
Қорамолчиликда қўшимча вазн учун	3000	3500	3000	3400

Жадвал маълумотларидан кўринадики 2009 йилда 1 ц сутнинг таннархи режадагидан 50 сўмга қимматга тушган. 1 ц олинган қўшимча вазнни таннархи 2009 йилдаги режага нисбатан 500 сумга, 2010 йилда 400 сумга қиммат бўлган. Бу эса ширкат хўжалигида чорвачиликни иқтисодий самарадорлиги салбий ҳолда эканлигини билдиради. Натижада сут ва қорамол гушти етиштиришнинг молиявий яқунлари самарасиз бўлган.

Ф.Қосимова номли ширкат хўжалигида сут ишлаб чиқаришдан хужалик 2009 йилда 50 сум зарар курган. Бу курсаткич 2010 йилда 60 сумни ташкил қилган. Гушт етиштиришда ҳам хужалик кейинги 2 йилда катта зарар курган. Жамоада олинган бу зарарлар деҳқончилик ҳисобига қопланади. Чунки хужалик шаҳар аҳолисини йил давомида янги етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаши учун 20 га майдон иссиқхоналарга ажратилган. Бундан ташқари хужаликда хусусийлашган маҳсулот ишлаб чиқарадиган 20 дан ортиқ ўрта, кичик корхоналар фаолият кўрсатади.

IV. МУАММОЛАРНИНГ ҚУЙИЛИШИ, ҚЎЛЛАНИЛГАН УСЛУБИЯТЛАР

Чорвачиликни ривожлантириш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш зарур. Озуқаларнинг тўйимлилиги бир қанча омилларга боғлиқ, озуқанинг

турига, иқлимига, ўсиш шароитига, агротехникасига, ўғитлашга асосан ўсиш фазасига боғлиқ бўлади.

Озуқа таркибида тўйимлик моддалар қанчалик кўп бўлса, туйимлилиги юқори бўлади. Шунга асосан Самарканд тумани шароитида яйловларда ўсаётган ўсимликларни кимёвий таркибини ўрганиб туйимлилиги аниқланди. Бундан ташқари хужаликда етиштириладиган беда ўтидан - гуллашдан олдин, гуллаш даврида, янги ўсганда, донлаганда, маккажухоридан эса гуллаганда, сут даврида, сут мум даврида, мум даврида ўртача намуна олиб туйимлилиги аниқланди. Бу намуналарда намлиги, курук модда, хом протеин, хом ёғ, хом клетчатка, АЭМ ва хом кул миқдори аниқланиб О.Кельнернинг ёғ ҳосил қилиш константи ва тулиқ қийматли коэффициентидан фойдаланиб тўйимлилиги сули озуқа бирлиги бўйича хисобланиб адабиёт маълумотлари билан таққосланди.

Озуқаларнинг кимёвий таркибини аниқлашда қўйидаги усуллардан фойдаланади.

1. Бошлангич намликни аниқлаш
2. Гигроскопик намликни аниқлаш
3. Курук моддани аниқлаш
4. Хом протеинни аниқлаш
5. Хом ёғни аниқлаш
6. Хом клетчаткани аниқлаш
7. АЭМ ни аниқлаш

Озиқаларнинг ўсиш фазасига қараб туйимлилиги аниқлагандан кейин хайвонлар махсулдорлигига таъсирини ўрганиш учун “Ф.Қосимова” номли хужаликда 10 бош сигир ажратиб олиниб 2 гуруҳга булинди.

1 гуруҳ - маккажухори ўти сут мум даврида. беда ути гуллаш давридаги ўти ва омихта ем билан озиқлантирилиб тажриба гуруҳи деб номланади.

2 гуруҳ - маккажухори ўти гуллаганда, беда ути гуллашдан олдинги давридаги ўти, омихта ем билан озиқлантирилиб назорат гуруҳи деб номланади.

Ҳар иккала гуруҳдаги рационда озукаларнинг туйимлилиги бир хилда бўлди, лекин сут маҳсулдорлигига таъсирини ўрганиш учун тажриба бошида ва ҳар ойда 1 марта назорат соғим утказиб сут маҳсулдорлиги аниқланди.

Иқтисодий самарадорликни аниқлаш учун сутни бозор нархида сотиш бўйича олинадиган даромад аниқланиб, кетган харажатни ҳисоблашда озука харажати ва бошқа харажатлар эътиборга олинди, 1 литр сутнинг таннари аниқланиб соф фойда ҳисобланиб, рентабеллик даражаси аниқланади.

V. МАВЗУНИНГ ЕЧИМИ ВА МАТНДА ЁРИТИЛИШИ

5.1. Озукалар туйимлилигини кимёвий таркибига қараб баҳолаш.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан олинадиган маҳсулотнинг мул ва сифатли бўлишида озука туйимлилиги муҳим аҳамиятга эга. Озукалар туйимлилигига баҳо бермасдан туриб озиқлантиришни туғри ташкил қилиш мумкин эмас. Ҳайвонларни озиқлантиришда усимликлар дунёсидан келиб чиққан озукалар рационнинг асосий қисмини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам бу озукалар туйимлилигини рақшонга киритишдан олдин баҳолаш зарур.

Озукаларнинг кимёвий таркибини аниқлаш ва унинг схемасини билиш уларнинг туйимлилигига баҳо беришнинг бир усули ҳисобланади. Усимлик танаси билан ҳайвон организми сифат жиҳатидан фарқ қилсада кимёвий таркиби жиҳатдан айрим ухшашликлари мавжуд. Ҳар иккала организмда ҳам даврий системадаги барча элементлар мавжуд бўлиб, шуларнинг асосий қисмини углерод, водород, кислород ва азот ташкил этади. Усимликларда ўртача 45% углерод, 42% кислород, 6,5% водород, 1,5% азот, 5% минерал моддалар ташкил қилса, ҳайвон танасида 63%, углерод, 14% кислород, 9,5% водород ва 8,5% азот минерал моддалар ташкил этади.

Ўсимлик дунёсидан келиб чиққан озукаларнинг таркибини оддироқ ҳолатда ўрганиши ХУ аср охирида бошланган. XIX аср бошларида озукалар химиявий таркиби озукалар туйимлилигини баҳолаш мақсадида аниқлана бошлади. Бу даврда асосан таркибидаги моддаларнинг иссиқ сувда эрийдиган

қисмига қараб хазмланар экан деган тушунча ҳам бўлган. XIX асрнинг 60 йилларида таркибидаги органик моддалар озиқлантиришда муҳимлиги тугрисида фикрлар пайдо булади ва озиқаларнинг кимевий таркиби схемаси ишлаб чиқарилади.

Хайвонот дунёсидан келиб чиқган озиқалар таркибида клетчатка бўлмаганлиги учун анализ пайтида бу модда ҳисобга олинмайди.

Сув – ўсимлик ва хайвон тўқималарининг ажралмас қисми бўлиб, кечадиган биқимёе ва физиологик жараёнларда беҳисоб, роль ўйнайди. Модда алмашинувининг жадаллашуви билан ёш хайвонларда сувга бўлган талаб кучаяди. Сув қоннинг 90-92% ни ташкил қилади, тўйимлик моддаларни ташиш функциясини бажаради. Сўлак суюқлигида 95% ни сув ташкил этади. Сигир сутида уртача 87% сув булади.

Хайвонлар тирик вазнининг 50-60%, ёш хайвонлар эса 80% сув ташкил этади. Бир хил семизликга эга булган қорамол гуштида, қуй ва чучка гуштида нисбатан кўп булади.

Хар хил турдаги озиқаларда сув миқдори 5-95% булади. Сунъий равишда қуритилган 10% гача. Похол ва пичанларда 15-20% қуқ озиқаларда 70-85%, силосда 65-85% сенажда 45-60%, туганак ва илдизмевалиларда 80-92%, барда, жомда, мезгаларда 90-95% булади.

Озиқада қанча қуруқ модда кам бўлиб, суви кўп булса тўйимлилиги ҳам паст булади. Озиқаларни едиришга тайёрлашда айрим технологик хусусиятларида сув миқдорининг аҳамияти катта. Масалан: аралаштиришда, гранула ва брикет тайёрлашда. Айниқса сақлашда сув миқдори кўп булса озиқа тез бузилади ва хар хил микроорганизм ва бактериялар ривожланишига шароит яратилади. Қуруқ модда таркиби минерал ва органик моддалардан иборат бўлиб, минерал моддаларга фосфор, магний, калий, темир мис, кобальт ва бошқалар, органик моддаларга протеин, ёғ, клетчатка, азотсиз экстрактив моддалар ва витаминлар.

Минерал моддалар хайвон организмнинг барча орган ва тўқималари таркибига сут. Тухум ва жунлар таркибига киради. Қупгина минерал

моддалар ёш хайвонларнинг ўсишиЮ соғлиғини таъминлаш учун ўта зарурдир. Озиқалар таркибига минерал моддалар турли бирикма шаклида бўлади. Ишқорий элементлар кўпинча органик ва минерал кислоталар, тузлари шаклида, маълум бир миқдор фосфор, олтингугурт, кремний, темир, магний ва бошқа элементлар углеводлар (оксиллар, ёғлар , углеводлар) таркибида бўлади. Ўсимлик озиқаларида кул миқдори одатда 5% дан ошмайди. Шўрланган ерлардан олинганларида эса 10-12 атрофида бўлиши мумкин.

Минерал модда ўсимлик таркибида бир хил жойлашмайди. Масалан: пояси ва барги, дони ва томирга нисбатан 2 ва ундан зиёд бўлади. Кул доннинг ички қисмига нисбатан ташки қисмида кўпроқ ҳосил бўлади.

Дуққакли ўсимликларнинг уруғи ва усадиган қисмида кальций миқдори бошоқлиларга нисбатан 4-6 мартаба кўп бўлади. Илдизмеваликлар кулида калий кўп бўлиб, кальций ва фосфор кам бўлади. Кепак. Кунжара ва шротларда фосфор кўп бўлиб, кальций кам бўлади.

Хайвон танасида ҳам озиқалардаги элементлар мавжуд, аммо улар бошқа нисбатда кулига нисбатан танаси, кули кўк ўти кулига нисбатан натрий ва калийни кам сақлайди, кальций ва фосфорга бой бўлади. Хайвон танаси кулида кальций ва фосфор 50% атрофида бўлса. Ўсимлик кулида 13% бўлади.

Минерал моддалар органик моддалар сингари энергия манбаи бўла олмайди. Минерал моддаларнинг хазмланиш учун энг маълум даражада энергия сафрланди. Маълум бир даражада хайвонларнинг сувга бўлган талаби озиқадаги сув орқали кам қондириладит. Хайвонларнинг сувга бўлган талаби хайвон тури ва физиологик ҳолатларига қараб белгиланади. Масалан: чучкалар озиқа таркибидаги ҳар 1 кг қуруқ модда ҳисобига 7-8 кг, қорамоллар 4-7 кг, отлар, қўй-эчкилар 2-3 кг, товуқлар 1-1,5 кг сув талаб қилади.

Хайвонларнинг сувга бўлган талаби ҳаво ҳароратига ҳам боғлиқ бўлади. Қорамоллар 4 ҳароратда ҳар бир кг қуруқ модда 3 кг, 26-27

хароратда 5,2 кг; 32 хароратда 7,3 кг сув истемол қилади. Юқори маҳсулдорли сигирлар хавонинг жуда иссиқ пайтида 130 л гача сув ичади. Озиқаларнинг туйимлилигини белгилайдиган асосий моддалар органик моддалардир.

Озиқалар таркибидаги протеин оксиллардан ва амидлардан ташкил топган бўлади.

Оксиллар – озиқлантиришда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Организмда кечадиган барча ҳаётий жараёнлар оксил билан боғлиқдир. Чунки ферментлар, Гормонлар, пигментлар, иммуностетлар, таркибининг асосини ташкил этади. Озиқалар таркибида оксилларнинг миқдорини 3-90% гача, булар экан. Кунжара ва шротда 30-40%, дуккаклилар донида 25-30%, дуккаклилар пичанида 12-15%, бошоқлилар дони ва пичанида 8-12%, бошоқлилар поҳолида 4-6%, айниқса ҳайвонот дунёсидан келиб чиқган озиқалар ичида гушт ва қон унларида 70-90% гача оксил бўлади. Оксиллар асосан аминокислоталардан ташкил топган бўлиб, организмда улар бажарадиган функция бир хил эмас. Айрим турдаги аминокислоталар: лизин, триптофан, гистидин, лейцин, изолейцин, фенилаланин, треозин, метионин, валин, аргининлар организм томонидан синтез қилинмайди. Бу аминокислоталар ўрин алмашмайдиган аминокислоталар деб айтилади ва улар организмга озиқалар билан етказиб берилади. Бу аминокислоталар етишмаса маҳсулдорлик пасайиб, умумий модда алмашинуви бузилади.

Ковшовчи ҳайвонларда етишмайдиган аминокислоталарнинг маълум бир қисми организмда микроблар томонидан синтез қилиниши ҳам мумкин. Бу камерали ошқозонга эга бўлганларда эса бундай хусусият йўқ. Аминокислоталар ичида серин, пролин, аспарагин кислотаси, глицин, глутамин кислотаси аланин, цистин, тирозинлар ўрин алмашадиган аминокислота дейилади. Бу организмда азотли бирикмалардан синтез ҳам қилинади.

Амидлар – бу оксилсиз азотли бирикма бўлиб, озод аминокислоталардан, аммоний тузларидан, нитрат ва нитритлардан ташкил

топгандир. Амидлар айникса фотосинтез жадал равишда кечаётган ёш усимликларда куп сақланади. Илдиз мевалилар ва картошка протеиннинг ярмини амидлар ташкил этади ва ақлаш муддатини ошиши билан кўпаяди.

Озиқавий қиймати барча азотли бирикмаларникида бир хил эмас. Бундан ковшовчилар яхши фойдалангилади, бир камераликларда бундай хусусият йўқ. Айрим ўсимликларда ва озиқаларда амидлар таркибида хайвонлар учун захарли бўлган азот бор глюкозидлар ҳам учрайди. Бундай озиқалар берилмайди ёки махсус ишлов берилмагандан сунг берилади.

Озиқалар таркибида ортиқча берилган протеин организмда энергия манбаи сифатида ва запас ёғ ҳосил бўлишида фойдаланилади.

Ёғлар – азот сақлайдиган моддалар гуруҳига кириб, асосий энергия манбаи ҳисобланади. Улар триглицеридлардан ташкил топганлар, бошқа органик моддаларга нисбатан 2.25 марта энергияни кўп беради. Озиқалар таркибида ёғнинг сақланиши ҳар хил. Дон ва уруқлар барг ва пояга нисбатан ёғни кўп сақлайди. Буғдой дони ва жавдарда 1.2%, макка ва сулида 5-6%, илдиз ва туганак мевалиларда деярли йўқ 0,1% , ёғ берувчи ўсимликлар уруғида (кунжут, кунгабоқар ва рапс) 30-40%, хайвон организмда ёғ миқдори семизлик даражасига қараб 3-4 40-50% бўлиши мумкин.

Хайвон организмда органик моддалардан ёғнинг ҳосил бўлишининг ўзига хос хусусияти бор. Яъни озиқа таркибидаги углеводлар ва оксиллардан ҳосил буладиган ёғ ва шу хайвон ёгининг кимё ва физик хусусиятларига мос булади. Аммо ўсимлик ёғларидан ва балиқ ёғидан хайвон организмда ёғ жамгарилганда хайвон ёғига хос хусусиятларига эга булмасдан ўша усимлик ёғига хос хусусиятга эга бўлади.

Углеводлар – озиқа қуруқ, моддасининг асосий қисмини 75% ва ундан кўпроғини ташкил этади. Тукималар ширасида углеводлар – қанд сифатида, пластинда – крахмал сифатида, тукималар қобиғида эса клетчатка яъни гемицеллюлоза ва пектин моддалар сифатида булади. Усимлик ёшининг улғайиши билан лигнинг моддаси қобиқ қисмида купая боради. Хайвон организмда углеводлар глюкоза у гликоген шаклида булиб умумий миқдори

1% дан ошмайди. Хайвонлар организми туқималари қобик қимси клетчаткадан ташкил топмасдан оксил ва ёғлардан ташкил топган.

Хом клетчатка – бу турли органик моддалар туплами бўлиб, таркиби целлюлоза, пентозанлар, пексанлар ва лигнин, кутин, суберин ва жуда кам миқдорда азотли ва минерал моддалари ёрдамида берилади. Хом клетчатка миқдори, таркиби ўсимликнинг ёши билан боғлиқ бўлади. Ёш усимликларда қобик туқимасининг асосий қисмини целлюлоза ташкил қилса ўлғайиши билан лигнин ва пентозанлар миқдори оша боради. Ўсимликнинг турли қисмида таёқланиш турлича бўлади. Купроқ ва тез поясида кечса, баргларида кам ва секин бўлади. Клетчатканинг қотиш жараёни илдиз меваги озиқаларда лавлаги, турнепс, сабзи ва картошкада бўлади.

Энг кўп клетчатка кузги бошоқчиларда, поҳолида 40-45% бўлади. Баҳоргисида 20-35%, макка ва буғдой донида 1%, сули ва арпа донида 10-12%, илдизмевагида 0,4-2% атрофида бўлади. Хом клетчатка қанчалик кўп сақланса озиқанинг тўйимлилиги ҳам шунчалик паст бўлади.

АЭМ – азотсиз экстрактив моддаларнинг вақили крахмал, қанд ва пентозонлар ҳисобланади.

Крахмал – дон, уруғ ва туганакларда озиқа қуруқ моддасининг 60-70% ни ташкил этади. Поя ва баргларида 2% атрофида. Крахмалнинг инулин тури топинамбур ва ер мурутида бўлади. Хайвон организмида крахмал гликоген шаклида жигарда 1-4% гача сақланади. Крахмал амилаза ва амилапетин формаларида бўлади. Амилаза глюкозанинг 200-300 қолдиғидан иборат. Амилопектин занжири қучли шох таркатган бўлиб ҳар бир шох глюкозанинг 12 қолдиғидан иборат.

Қанд – ўсимликлардан моносакхарид (глюкоза ва фруктоза) дисакхаридлар, (мальтоза ва тростниковқй сахар) лавлагида, сабзида ва жўхори усимлигида 22% ча қанд тупланади. Ёш бошоқли ўтларда 13% гача тупланиши мумкин. Юқори даражада азотли ўғитларни солиш билан (гектарига 200 кг) бошоқчилар қуруқ моддасида қанд миқдорини 5-7% камайитириб, протеин миқдорини ошириш мумкин.

Пентозанлар – ўсимликда клетчатканинг ҳосил бўлишида ҳосил булувчи модда ҳисобланиб, қотиб кетган ўсимликларда 25-30: ча булади. Озуқаларнинг кимёвий таркибини аниқлаш билан баҳолаш зарури булсада бу курсаткича қараб тўлиғича баҳо бериш мумкин эмас.

5.2. Соғин сигирларни озиқлантириш

Ҳалқимизнинг сифатли сут маҳсулотларига бўлган талабининг йил сайин ортиб бориши, сут йўналишидаги қорамолчиликнинг тобора ривожлантиришининг тақозо этади. Маълумки. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ортган сари улар озуқа рационининг сифатига ва тула қимматлигига организмида модда алмашинуви жараёни ўсаётган молниқига ва гуштдор қорамолларниқига қараганда ҳам анча юқори бўлади.

Сутдор сигирлар меъда олди бўлимларида турли хил микроорганизмлар жуда кучли ривожланган бўлиб, уларнинг биомассаси 3 кг (курук модда ҳисобида) гача боради. Бу микроорганизмлар катта қорин, тур ва қат қоринларда озуқалар таркибидаги мураккаб углеводлар ва протеинларни энг оддий тургача парчалайдилар.

Соғин сигирларнинг туйимли моддаларга бўлган талаби. Соғин сигирлар кўп давомида клеткага бой бўлган куплаб миқдордаги хажмдор озуқаларни ошқозон ичак тизимида ҳазм қилишларида меъда олди бўлимларининг ҳиссалари нихоятда катта. Бу ердаги микроорганизмларнинг фаолияти учун эса маълум миқдорда рационда ыанд миёдори бщлиши керак. А.П.Калашников соғин сигирлар рационда қанд-протеин нисбатини 0,8-1,1:1 тенг, крахмалнинг ыандга бўлган нисбатини эса 1,5:1 тенг бўлиши керак дейди. Ю.А. Толоконников эса учувчан ёғ кислоталарининг керакли нисбатини ва миқдорини таъминлаш учун қанд-протеин нисбатини қишқи рационда 1,3:1,0, ёзги рационда эса 0,8-1,0 га тенг бўлиши керак дейди. Сутдорлик ортган соғин сигир рациондаги қанд ва крахмалнинг миқдори ортиб боради.

Катта қорин микрофлорасининг асосий вазифаларидан бири, клетчаткани ҳазм қилиш ва уни энергиясидан фойдаланишдир. Соғин

сигирларнинг миқдори қуруқ моддага нисбатан олиниб, сигирнинг сутдорлиги ортган сари талаб қилинадиган қуруқ модда таркибидаги клетчатканинг фоиздаги миқдори камая боради.

Кунлик рационнинг энергетик тўйимлилиги, хайвоннинг органик ва минерал моддалар, витаминлар ҳамда бошқа биологик фаол моддаларга бўлган талаби 1 кун давомида таркибидаги қуруқ модда орқали қондирилади. Рационда талаб қилинадиган қуруқ модданинг миқдори сигирнинг сутдорлигига қараб ортиб боради.

Сигирларнинг меъерида озиқланишида 1 кг қуруқ моддада мужассамлашган энергия ва бошқа тўйимли моддалар миқдори ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунинг учун соғин сигирлар рационини тўйимли моддалар билан мувозанатлаштиришда уларнинг қуруқ моддага бўлган талабини ва қуруқ модда таркибида мужассамлашган энергия ва бошқа тўйимли моддалар миқдорини ҳисобга олиш керак.

Сутдор сигирлар озука меъерида макроэлементлардан кальций, фосфор, натрий, хлор, магний, калий ва олтингугуртлар, микроэлементлардан темир, мис, рух, кобальт, марганец ва йодлар миқдори назорат қилинади. Сутдор сигирлар организмда минерал моддалар алмашинувини меъерида бориши учун маълум миқдорда минерал моддаларни талаб қилади. Ёш сигирлар эса бундан ташқари усиши ва ривожланиши учун ҳам қўшимча минерал моддаларга муҳтождирлар. Сигирларнинг макро ва микроэлемент билан тулиқ таъминланганлигини билиш учун албатта исетмол қилинадиган озуқалар таркибидаги макро ва микроэлементларнинг ҳақиқий миқдорини билиш керак бўлади.

Соғин сигирлар учун озуқалар ва рационлар. Сўнги йиллар сут ишлаб чиқариш фермерлик, ҳосилдорлик ва жамоа фермаларида ҳамда йирик комплексларида мужассамлашган бўлиб, уларда сигирларни асрашнинг асосан 3 усули қўлланилади: молхоналарда боғламасдан боқиш, вомолхоналарда боғловсиз боксларда боқиш. Лекин кўпинча молхоналарда боғловда боқиш усули ва айрим фермаларда боғловсиз боксларда боқиш

усуллани қўлланилади. Боғловда боқиш усулида сигирларга киш кунлари хажмдор озуқалар молхонанинг ичида охирларда тарқатилади.

Соғин сигирлар учун киш фасли рационларида дуккакли, бошоқли ўт пичани, табиий яйловлардан олинган пичан, бахорги экинлар похоли, пахта шелухаси, силос, сенажлар ва илдизмевалар яхши озука хисобланади. Рационнинг энергетик тўйимлилигини ошириш учун арпа, сули, дар, маккажўхори донлари ёрма сифатида, пахта шроти, буғдой кепаци сингари концентрат озуқалар қўлланилади. Рационнинг протеинли ва витаминли тўйимлилигини ошириш учун дуккакли ўтлардан тайёрланган ўт уни ёки соядан қуритилган, япроқлари тўкилмаган пичанлардан тайёрланган витаминли пичан унларидан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Вино ва пиво заводлари чиқиндилари ҳам соғин сигирларда сутни қўпайтириш хусусиятига эгадир.

Сут ишлаб чиқаришни саноат негизидида ўтказиш ўз навбатида рационни талаб қилади. Сенаж силосга қараганда икки баробар тўйимлидир. Бунда ташқари дуккакли ўтлар сенажида ташқари дуккакли ўтлар сенажида протеин, каротин, қанд моддаси ва фосфор элементлари силосга қараганда икки маротабадан кўпроқ ортиқдир. Соғин сигирлар рационига рационнинг энергетик тўйимлилигини ошириш мақсадила маълум миқдорда концентрат озука ҳам қўшиб берилади. Соғин сигирлар учун кунлик бериладиган концентрат озуқалар миқдори сигирларнинг сутдорлигига қараб белгиланиб, агар йиллик сутдорлик 3000-5000 кг бўлганда ҳар 1 кг сут учун 250-350 г атрофида берилади. Концентрат озуқалар омехта ем шаклида берилса, унинг тула қийматлиги ошади. Омехта ем таркибида дон миқдори 50% дан ошмаслиги керак. Омехта емнинг қолган қисми эса кепак, шрот, қуруқ лавлагини тури, қуруқ барда, ўт уни ва бошқа шу хил дон бўлмаган озука моддалардан ташкил топади. Омехта емлар таркибидида минерал қўшимчалар ва витаминли препаратлар ҳам қўшилади.

Рацион таркибидидаги концентрат озуқаларнинг миқдори яна рациондаги пичан, силос ва сенажларнинг сифатига ҳам боғлиқ бўлади.

А.П.Калашниковнинг ёзишича, 20 кг сут берадиган сигирга, агарда 1 синфли пичан берганда ҳар бир кг сут учун 270 г концентрат озуқа кифоя қилади. Агарда пичаннинг сифати паст бўлиб 2 ва 3 синф бўлса. Шу 20 кг сутдорликни сақлаб қолиш учун ҳар бир кг сут учун мос 350-500 г концентрат озуқа бериш керак. Бошқача қилиб айтганда бир хил сутдорликдаги сигир учун 3 синф пичандан фойдаланилганда 1 синфли пичандан фойдаланилганга қараганда ички ҳисса кўп концентрат олзуқа бериш керак бўлади. Чунки 3 синф пичаннинг тўйимлилиги 1 синф пичанниқига қараганда анча кам ва хазм бўлиш даражаси ҳам паст бўлади.

Концентрат озуқалар кўпчилик хўжаликларда соғин сигирларга соғиш вақтида берилади. Бунга эса сигирлар урганиб қолиб уларда қолиб уларда рефлеслар ҳосил бўлади. Емсиз соғишга тўғри келса улар безовталаганиб сут камайтириб юборади. Сигирлар 2,0-2,5 кг сепилувчан ёки 3 кг донлаштирилган омехта емини 8-10 минутда еб бўладилар, деб ёзади В.Н.Баканов. Демак. Сигир икки маҳамл соғилса 4-6 кг, уч маҳал соғилганда эса 6-9 кг емини соғиш даврида истемол қилиши мумкин. Шунинг учун юқори маҳсулдорли сигирларга, агар бундан кўпроқ ем бериш тўғри келса. Ортиқча емини соғиш вақт оралиғида бериш мумкин.

Мамлакатимизнинг турли хил ўлкалари учун у жойнинг иқлими ва иқтисодий шароити ҳамда озуқа манбаларини ҳисобга олиб, илмий муассасалар томонидан соғин сигирлар учун озиқлантириш турлари ишлаб чиқарилган бўлиб, у бўғоз сутдан чиққан сигирларни боқиш бўлимидаги сингаридир.

Ўзбекистон шароитида соғин сигирларни боқишда суғориладиган майдонларда ва лалмикор ўлкаларда йилнинг турли фаслларида ўзига хос озиқлантириш тизимлари мавжуд, деб ёзади К.К.Карибаев ва бошқалар.

Соғин сигирларни лактациянинг айрим даврларида озиқлантиришнинг алоҳида хусусиятлари. Бу даврда рационнинг тўйимли моддалари сут ҳосил бўлиши учун моддалари сут ҳосил бўлиши учун сафрланган энергиянинг ўрнини қоплай олмайди ва организм танадаги захира ҳолидаги тўйимли

моддалардан фойдаланилади. Бундай пайтда янги туққан сигирларни иложи борица танасидаги тўйимли моддаларни сарф бўлишини камайтириб, қолмасдан уларни генетик мўлжалланган сутдорлигини ҳам руёбга чиқариш керак.

Сигирларни серсут қилиш туққандан сунг биринчи 100 кун ичида тугатилмоғи лозим. Бу даврда сигирлар бутун лактация даврида берадиган сутининг 40-45% ни, айрим ҳолларда эса 50% ни бериши мумкин. Бундан ташқари янги бўғозлик даврининг бошланиши билан организмда физиологик ўзгаришлар рўй бериб, истемол қилинган рацион тўйимлилигининг табора кўпроқ қисми организмда тўплана боради ва эмбрионнинг такомиллашувига сарфланади. Сигирлар туғрик хонасидан умумий подага кўчирилганда биринчи ва иккинчи тўғишдаги сигирлардан алоҳида гуруҳ тузилади. Бу эса уларни ҳали ўсишдан тўхтамаган бўлганлиги учун ўсиш ва ривожлангиши учун қўшимча озуқа бериб боқиш имконини беради.

Катта ёшдаги сигирлар эса туққан вақти, тирик вазни ва сутдорлиги бўйича синфларга бўлинади. Бир синфдаги сигирлар ичида сутдорликлар бўйича ўрта сутдорликдан юқори ёки паст сутдорликдаги сигирлар ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолда уларни яна алоҳида кичик технологик гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир синф учун ўртача сут маҳсулдорлиги бўйича асосий рацион белгиланади.

